

Бугун Қумқўрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов туман марказидан олисда жойлашган “Бўстон” маҳалласига ташриф буюрди.



Ташриф давомида фуқаролардан асосан ичимлик суви, томорқа суви ва йўл масалаларида мурожаатлар йўлланди.

Фуқаролар томонидан йўлланган ҳар бир мурожаатнинг масаласи ўзлари иштирокида шу ернинг ўзида кўриб чиқилди, зарур чора-тадбир белгиланди ва тегишли масъулларга топшириқлар берилди.

Зеро, халқнинг дарду ташвиши билан яшаш энг асосий мақсад бўлиб, унинг рўёби юртимиз равнақига, унинг янада гуллаб-яшнашига, фуқароларнинг тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечиришларини та'минлашга хизмат қилади.